

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.YU.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАЙНОБИДДИНОВА ФАРАНГИЗ БАХТИЁР ҚИЗИ

**ИНВЕСТИЦИЯ ШАРТНОМАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ҲОС
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ ФУҚАРОВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА
СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.03 - Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ**

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори PhD (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Content of the dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Зайнобиддинова Фарангиз Бахтиёр қизи

Инвестиция шартномаларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни
фуқаровий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш
масалалари..... 3

Zaynobiddinova Farangiz Baxtiyor qizi

Features of Investment Agreements and Issues of Improving on their
Civil-legal Regulation..... 23

Зайнобиддинова Фарангиз Бахтиёр қизи

Особенности инвестиционных договоров и вопросы
совершенствования их гражданско-правового регулирования..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published scientific works
Список опубликованных научных работ 45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.YU.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАЙНОБИДДИНОВА ФАРАНГИЗ БАХТИЁР ҚИЗИ

**ИНВЕСТИЦИЯ ШАРТНОМАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ҲОС
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ ФУҚАРОВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА
СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.03 - Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ**

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори PhD (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Үч301 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Рустамбеков Исламбек Рустамбекович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Самарходжаев Ботир Билялович
юридик фанлар доктори, профессор
Бозаров Сардор Соҳибжонович
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
ҳузурдаги Юристлар малакасини ошириш маркази


Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик университети ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Үч.22.01 рақамли ихтисослашган кенгашнинг 2021 йил “17” ноябрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел./ факс: (+99871) 233-66-36, e-mail: info@tsul.uz.)


Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (990-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (+998 71) 233-66-36.)


Автореферат 2021 йил “2” ноябрь куни тарқатилди.

(2021 йил “2” ноябрдаги 13-рақамли реестр баённомаси).




С.С. Гулийев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, ўринбосари, юридик фанлар
доктори, профессор


А.Ю. Хабибуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, юридик фанлар номзоди,
профессор


Н.Ф. Имомов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси
ўринбосари, юридик фанлар доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда давлатлар иқтисодий ривожланишининг муҳим омили сифатида инвестициялар алоҳида аҳамият касб этади. Ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни жалб этиш инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини шакллантириш омилларига бевосита боғлиқ бўлиб, инвестициявий жараёнларнинг барқарорлигини таъминлаш – давлатлардан инвестиция муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий нормалари ва механизмларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш рейтингда 258 млрд. дол. билан АҚШ биринчи ўринда, 203 млрд. дол. билан Хитой иккинчи ва 105 млрд. дол. билан Германия учинчи ўринни эгаллаб келмоқда, Ўзбекистон эса мазкур рейтингда 103-ўриндадир¹. Шу нуқтаи назардан дунёнинг иқтисодиёти энг ривожланган давлатлари инвестициялар жалб этишда энг юқори кўрсаткичларни намоён этиб, бу миллий иқтисодиётимизга инвестицияларни жалб этиш ҳамда уларни самарали ҳуқуқий тартибга солинишини ижобий хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш заруратини кўрсатади.

Жаҳонда охирги йиллар давомида COVID-19 пандемияси сабаб тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг глобал оқимлари кескин камайиши кузатилди. Таҳлилларга кўра, мамлакатлар иқтисодиёти учун ушбу муҳим ресурслар 2019 йилги даражага нисбатан 1.5 триллион доллардан кескин тушиш ҳолати, қайд этилмоқда. Бунда эса инвестиция шартномаларининг бекор бўлиши ҳамда инвестиция низоларининг кескин кўпайиши кузатилмоқда². Ўз навбатида, мазкур ҳолат инвестиция муносабатларини шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини ошириш ҳамда пандемия каби турли вужудга келиши мумкин бўлган ҳолатларни эътиборга олиш, инвестиция шартномалари доирасида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва инвестиция низоларини олдини олиш механизмларини ишлаб чиқишнинг долзарблигини намоён қилади.

Республикамизда самарали инвестиция сиёсатини юритиш, иқтисодиётга хусусий ва тўғридан-тўғри инвестициялар улушини ошириш, давлат номидан ташқи қарз олиш камайтирилиб, “иқтисодий ўсишга, аввало рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришиш”³ масалалари – давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида эътироф этилмоқда. “Инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш”⁴ мақсадида иқтисодий-ижтимоий соҳани ривожланишининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган бўлиб, бунда миллий иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш ҳамда уларни самарали ҳуқуқий тартибга

¹Рейтинг стран мира по уровню прямых иностранных инвестиций. / Гуманитарная энциклопедия: Исследования // Центр гуманитарных технологий // URL: <https://gtmarket.ru/ratings/foreign-direct-investment-index>

² World Investment Report 2021. International Production beyond the Pandemic. UNCTAD. UN Geneva, 2020 // URL: <https://unctad.org/webflyer/world-investment-report-2021>

³ Ш.М. Мирзиёев Янги Ўзбекистон Стратегияси.– Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. Б. 150.

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 6-сон. 70-модда. // URL: <https://lex.uz/docs/3107036>

солинишини таъминлаш, жумладан, фуқаровий-ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги Фуқаролик кодекси⁵, 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-598-сон “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, 2021 йил 16 февралдаги ЎРҚ-674-сон “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сон “Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сон “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4067-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПҚ-4300-сон “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инвестиция фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш масалаларига бағишланган бир қанча тадқиқот ишлари амалга оширилган бўлиб, бироқ уларни аксариятида инвестиция сиёсати ва инвестиция фаолиятининг иқтисодий жиҳатларига кўпроқ урғу берилган. Инвестиция фаолиятини умумий ва шу жумладан шартномавий-ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим масалалари мамлакатимиз олимларидан – Б. Самарходжаев, О. Оқюлов, С. Гулямов, Н. Имомов, И. Рустамбеков, С. Хамраев, Б. Очиллов ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян даражада тадқиқ этилган⁶.

МДҲ давлатларида инвестиция фаолиятини шартномавий ҳуқуқий тартибга солувчи фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар тизими, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва элементлари каби масалалар И. Лунц, Н. Вознесенская, В. Лисица, А. Мингазова, Ю. Потапова, И. Вдовин, А. Богатырев, Д. Ратникова,

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 05.10.2020 й., 03/20/640/1348-сон. // URL: <https://lex.uz/docs/111189>

⁶ Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Б. Муравьев, И. Цевольникова, О. Цегельник, И. Андреевна, А. Шевченколар томонидан ўрганилган⁷.

Хорижий мамлакатларда инвестиция фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий тартибга солишнинг алоҳида муаммолари L. Cotula, S. Christoph, R. Dolzer, T. Allee, C. Tony, C. Peinhardt, M. Sornarajah, A. Blane, Barnali Choudhury, Kathleen Claussen ва бошқалар томонидан ўрганилган. Хусусан, Ch. Richard, R. Dolzer, T. Allee, C. Peinhardt, Lorenzo Cotula каби олимларнинг илмий ишларида инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш метод ва тамойиллари тадқиқ қилинган ҳамда инвестиция шартномаларини тузиш ва амалга ошириш масалалари кенг ёритиб берилган.

Бироқ инвестиция фаолиятини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишдаги муаммолар умумлаштирилган илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ва Ўзбекистон инвестиция қонунчилигини такомиллаштириш ва кодификациялаш муаммолари, ривожланган давлатлар қонунчилик амалиёти ва инвестиция ҳуқуқи ютуқларини назарий тадқиқ этиш асосида олинган натижаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари илмий тадқиқотларининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади инвестиция шартномаларининг фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини самарали ҳуқуқий-тартибга солиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Илмий ишни тадқиқ этиш мақсадларини амалга ошириш учун куйидаги вазифалар белгиланди:

инвестиция фаолияти тушунчаси ва мазкур фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини очиқ бериш;

инвестиция шартномаси тушунчасини тавсифлаш, инвестиция шартномаси турлари ва элементларини аниқлаш;

хорижий мамлакатларда инвестиция фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий тартибга солинишини таҳлил қилиш;

Ҳуқумат билан тузиладиган инвестиция шартномасининг моҳияти ва бундай турдаги шартномалар тузишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

инвестиция фаолиятини ташкиллаштириш шартномасининг ҳуқуқий табиатини ўрганиш;

смарт шартномалар асосида инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий жиҳатларини таҳлил қилиш;

пандемия шароитида инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг муҳим хусусиятларини тавсифлаш;

мамлакатимизда замонавий инвестиция қонунчилиги ва амалиётининг ўзига хос жиҳатлари ва истиқболларини аниқлаш;

⁷ Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция шартномаларини тартибга солиш муаммолари ва такомиллаштириш масалалари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти инвестиция фаолияти доирасида вужудга келувчи ижтимоий муносабатларни миллий ва халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети инвестиция фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий тартибга солишдаги илмий-амалий муаммолар, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий, тизимли таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, умумлаштириш, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотларни таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инвестицияларни ҳимоя қилиш ҳамда инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда энг асосий талаблар ҳамда реквизиция (экспроприация) амалга оширилиши тартиб-таомиллари, бунда суд ва халқаро арбитраж тартибида ҳимояланиш ҳуқуқлари асослаб берилди;

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқумати билан тузиладиган инвестиция шартномасининг асосий шартлари изоҳланиб, инвестиция шартномасида тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг белгиланиши, хорижий инвесторга қўшимча қафолат ва имтиёзлар бериш талаблари ҳамда ушбу жараённинг шаффофлиги ва унда жамоатчилик назорати ўрнатилиши зарурияти асослаб берилди;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар фаолиятининг ҳуқуқий қафолатлари, хусусан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек, унинг ташқарисида ҳар қандай валютада, ҳар қандай банкда ҳисобварақларни очиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳамда ссудаларни чет эл валютасида олиш ва қайтариш ҳуқуқлари асослаб берилди;

инвестиция шартномаларининг очик реестрини юритиш, инвестициявий фаолият доирасидаги маълумотларнинг транснационал мобиллигини амалга ошириш ва виртуал инвестиция муносабатларида киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда мазкур турдаги шартномаларнинг бажарилишини мониторинг қилиш механизмларини яратиш аҳамияти асослаб берилди;

инвестиция шартномаси, инвестиция фаолиятини ташкиллаштириш шартномаси ва инвестиция фаолиятидаги смарт шартномаларга муаллифлик таърифлари берилиб, уларнинг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инвестиция фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш, инвестиция шартномаларининг ўзига хос хусусиятлари ва таркибий элементлари кенг очиб берилган ва инвестиция шартномалари тузиш ва амалга ошириш жараёнларида очиклик ва шаффофликни таъминлаш, инвестициявий фаолият доирасидаги маълумотларнинг транснационал мобиллигини амалга ошириш

муҳимлиги асосланиб, инвестиция шартномаларида инсон ҳуқуқларини таъминлаш муаммоси таҳлил қилинган;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини инвестиция шартномасининг ҳуқуқий мақоми, ўзига хос хусусиятлари ва мазкур турдаги шартномалар тизимини белгиловчи ҳуқуқий нормалар билан тўлдириш зарурати кўрсатиб берилди;

“Инвестиция фаолиятининг устувор объектлари”, “Инвестиция фаолиятини ташкиллаштириш шартномаси”, “Смарт шартнома” каби асосий тушунчаларга муаллифлик таърифлари шакллантирилиб, қонунчиликда мустаҳкамлаш аҳамияти асослаб берилди;

инвестиция шартномаларини тузиш, амалга оширишнинг муҳим жиҳатларини мамлакатимиздаги суд амалиёти орқали таҳлил қилиш асосида муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди;

инвестиция шартномалари бажарилиш масалаларига эътибор қаратиш, айниқса Ҳукумат билан тузиладиган ўзида қўшимча кафолатларни назарда тутадиган шартномалар бўйича тақдим этилаётган имтиёз ва преференциялар тегишли келишув предмети асосида мақсадли фойдаланилаётганини давлат мониторингини амалга ошириш зарурияти асосланди;

Ўзбекистон Республикасида “блокчейн” технологияларини жорий этиш асосида смарт шартномаларни қўллаш, мазкур шартномалар орқали инвестиция фаолиятини амалга ошириш ҳамда токен бозорларида инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича замонавий механизмлар хусусан, виртуал инвестиция муносабатларида киберхавфсизликни таъминлаш масалалари тадқиқ этилди;

мамлакатимиздаги инвестициявий муҳит, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси ва қонунчиликдаги янгиликлар борасида таҳлилий-ҳуқуқий маълумотлар билан таъминловчи “Ўзбекистоннинг инвестиция сиёсати” онлайн платформа ва мобил иловасини яратиш бўйича инновацион лойиҳа ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузилган инвестиция шартномаси ва Инвестиция фаолиятини ташкиллаштириш шартномасининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилиб асослаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган бўлиб, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот ишининг илмий-амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклифлар ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, инвестиция фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш фаолияти юзасидан илмий тадқиқотлар олиб боришда, шунингдек, “Халқаро хусусий ҳуқуқ”, “Халқаро савдо ҳуқуқи”, “Инвестиция ҳуқуқи”, “Халқаро инвестиция ҳуқуқи” каби ҳуқуқий фанларини ўқитиш ва методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида хусусий ва халқаро ҳуқуқий фанларни ўқитишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

инвестицияларни ҳимоя қилиш ҳамда инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда, суд ва арбитраж тартибида: реквизицияни (экспроприацияни) амалга ошириш учун фойдаланиладиган мақсаднинг қонунийлиги; реквизициянинг (экспроприациянинг) миқдори; реквизиция (экспроприация) қилинаётган инвестицияларни ва бошқа активларни баҳолаш; тўланиши лозим бўлган компенсация тўловининг мувофиқлиги; давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари реквизицияни (экспроприацияни) амалга ошириш чоғида риоя этган тартиб-таомил юзасидан низолашишга ҳақли эканлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-598-сонли “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни 21-моддасининг 3-хатбошисида ўз аксини топди. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарининг 2021 йил 13 июлдаги 02/5-803-сон далолатномаси). Мазкур ҳуқуқий норма Ўзбекистон Республикасида инвесторларнинг қонуний манфаатларини муҳофазалашга ва мамлакатимизда инвестицияларнинг самарали ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузиладиган инвестиция шартномаси, инвестициялар объекти ва ҳажми, лойиҳанинг бошланиш ҳамда тугалланиш муддатлари; инвестиция шартномасининг амал қилиш муддати ва шартлари; коррупцияга ва монополияга қарши курашиш шарти; инвестиция шартномаси тарафлари ўртасидаги инвестиция шартномаси қоидалари билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби, жойи ва низоларни кўриб чиқадиган орган хусусидаги маълумотларни ўз ичига олиши шарт эканлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-598-сонли “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 42-моддасида ўз аксини топди. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарининг 2021 йил 13 июлдаги 02/5-803-сон далолатномаси). Ушбу ҳуқуқий норма Ҳукумат билан тузиладиган инвестиция шартномаси бўйича келгусидаги инвестициявий низоларнинг олдини олишга, инвестиция фаолиятини ислоҳ қилишга ҳамда ушбу турдаги шартномалар бўйича тақдим этиладиган қўшимча кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёз ва преференциялар)ни адолат ва қонунийлик тамойилларига мос бўлишини таъминлашга хизмат қилган;

мамлакатимизда чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек, унинг ташқарисида ҳар қандай валютада, ҳар қандай банкда ҳисобварақларни очиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш; ссудаларни чет эл валютасида олиш ва қайтариш ҳуқуқига эга эканликлари хусусидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-598-сонли “Инвестициялар ва

инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 51-моддасида ўз аксини топди. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарининг 2021 йил 13 июлдаги 02/5-803-сон далолатомаси; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2020 йил 23 октябрдаги 19/1-2-сон далолатномаси). Ушбу ҳуқуқий норма замонавий инвестиция қонунчилигини такомиллаштиришга, мамлакат инвестициявий имиджини оширишга ҳамда инвесторлар ҳуқуқларини кафолатлашга хизмат қилган;

инвестиция шартномасида белгиланиши зарур бўлган шартлар ҳамда намунавий инвестиция шартномасини шакллантириш юзасидан берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 апрелдаги 264-сонли Қарори лойиҳаси тайёрланишида, жумладан Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 августдаги 180-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда, хусусан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан инвестиция шартномаси тарафлари ўртасидаги инвестиция шартномаси қоидалари билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби, низоларни кўриб чиқиш жойи ва органи: бунда Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий давлат суди, Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий давлат ҳудудида ташкил этилган халқаро тижорат арбитражи низоларни кўриб чиқувчи орган сифатида белгиланиши мумкинлиги тўғрисидаги ҳамда бундай инвестиция шартномасини тузиш, ўзгартириш киритиш, тугатиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом ва намунавий Инвестиция шартномаси ишлаб чиқилишида Адлия вазирлигининг қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқий экспертиза фаолиятида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2020 йил 7 октябрдаги Маълумотномаси) Ушбу таклиф инвестор ва давлат ўртасидаги муносабатларни муваффақиятли шартномавий-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган бўлиб, инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва мамлакат инвестициявий иқлими жозибдорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференция ва семинарларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалар жами **16 та илмий ишда** ўз ифодасини топган. Хусусан, ОАКнинг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларида 8 та (**2 таси хорижий нашрларда**) мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўққиз параграфни ўз ичига олган уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (диссертацияси аннотацияси)**да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-

тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Инвестиция фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий тартибга солишнинг илмий-назарий ва ҳуқуқий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида инвестиция фаолияти тушунчаси ва ҳуқуқий тартиботи; инвестиция шартномаси тушунчаси, турлари, элементлари ва ўзига хос хусусиятлари, инвестиция шартномасининг ҳуқуқий табиати борасидаги концептуал ёндашувлар ҳамда хорижий мамлакатларда инвестиция фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий тартибга солишга оид масалалар таҳлил қилинган.

Инвестиция шартномаларининг ҳуқуқий табиати борасида тадқиқотчи олимлар (А. Майфат, В. Попондуло, Н. Духно, Б. Самарходжаев, С. Гулямов, Н. Имомов, М. Мингазова, М. Антипова, В. Лисица, А. Багатырев, М. Марышева, Н. Возниценская, И. Цевольникова ва бошқалар)нинг фикрлари ўрганилиб, бундай шартномалар – фуқаровий-ҳуқуқий, оммавий-ҳуқуқий, хусусий-ҳуқуқий ва аралаш характердаги шартнома сифатида ўзига хос хусусиятлари билан асосланиш концепциялари кўриб чиқилган.

Чунончи, инвестиция шартномалари – инвестор билан бевосита тузиладиган шартнома бўлиб, мамлакат иқтисодиётига инвестициялар киритилишини таъминлайди. Шу туфайли бундай шартномалар янада сифатли ишлаб чиқилишни, тегишли экспертизалардан ўтказилишни ҳамда ушбу турдаги келишувларни тузиш ва ижро этишнинг аниқ механизмлари жорий этилишини талаб этади.

Шунингдек, инвестициявий-ҳуқуқий муносабатлар бошқа турдаги ҳуқуқий муносабатлардан ўзининг мураккаблиги билан ўзига хос бўлиб, турли соҳаларга оид ҳуқуқий нормалар асосида вужудга келади, ўзгаради ва бекор бўлади. Айнан ушбу ҳолат, мазкур турдаги муносабатларни чуқурроқ тадқиқ этиш заруриятини намоён этади.

Шу туфайли мазкур бобда Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмини такомиллаштириш, Фуқаролик кодексига инвестиция шартномаси тушунчасини мустақамлаш; унинг ҳуқуқий табиатини белгилаш ва инвестиция шартномаларининг белгиларини қайд этиш ҳамда ушбу турдаги шартномаларнинг тизимини ишлаб чиқиш; ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиқиб, инвестиция киритилишига кўпроқ муҳтож бўлган ҳамда инвесторга янада мақбул кафолат ва имтиёزلарни назарда тутувчи “инвестиция фаолиятининг устувор объектлари” тушунчасини қонунчиликда ўрнатиш; ва мазкур фаолиятга оид барча ҳуқуқий нормалар тизимлаштирилган – замонавий Инвестиция кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш кераклиги асослантилган.

Бундан ташқари, диссертацияда инвестициявий фаолиятни шартномавий-ҳуқуқий тартибга солишнинг бир қатор илғор хорижий мамлакатлар (Хитой, Миср, Сингапур, АҚШ, Россия, Беларусь, Қозоғистон) тажрибаси ўрганилиб,

ушбу давлатлар қонунчилигидаги ютуқларни имплементация қилиш бўйича таклифлар илгари сурилган.

«Инвестиция шартномаларининг ўзига хос хусусиятлари» деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида Ҳукумат билан тузиладиган инвестиция шартномасининг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, бунда қўшимча кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари беришнинг асосий талаблари ҳамда мазкур турдаги шартномаларни тузишда очиқ танлов ўтказиш ва жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг аҳамияти асослаб берилди.

Шунингдек, Инвестиция шартномаларида маҳаллий инвесторлар манфаатларини амалга оширишда давлат томонидан хорижий инвесторлар учун назарда тутилганидек кафолатларнинг таъминланиш зарурияти; Инвестиция фаолиятини ташкиллаштириш шартномасининг ҳуқуқий табиати ва смарт шартномалар асосида инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ҳамда инвестиция шартномалари тузиш ва амалга ошириш жараёнларида очиқлик, шаффофликка эътибор; инвестициявий фаолият доирасидаги маълумотларнинг транснационал мобиллигини амалга ошириш ва виртуал инвестиция муносабатларида киберхавфсизликни таъминлашга оид масалалар ўрганилган.

Муаллифнинг фикрича, инвестиция шартномаларининг турли мажбурият гуруҳларига тегишлилиги, аралаш шартнома характери ҳамда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни тўлиқ ва тизимлилик асосида таъминлаш зарурияти – уларни қонунчиликда ҳуқуқий жиҳатдан комплекс регламентация қилишни тақозо этади. Хусусан:

Биринчидан, ҳукумат билан тузиладиган инвестиция шартномалари вужудга келтираётган муносабатлар фақатгина фуқаровий-ҳуқуқий характерда эмас ўз ичига турли соҳавий меъёрларни бирлаштирувчи инвестиция ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади. Иккинчидан, бундай инвестиция шартномасининг мазмуни унда давлат учун мажбурият юкловчи оммавий-ҳуқуқий нормалар ҳам акс эттирилганини намоён этади. Учунчидан, мазкур инвестиция шартномаларида юридик жиҳатдан ҳам, фактик жиҳатдан ҳам томонларнинг доимий тенглиги мавжуд эмас. Тўртинчидан, инвестиция шартномалари предметида фуқаровий-ҳуқуқий характердаги муносабатлар тартибга солиниши кўзда тутилади.

Шу туфайли давлат билан тузиладиган инвестиция шартномаси моҳияти борасидаги барча ҳуқуқшунос олимлар (Б. Уортли, Е. Нвогугу, А. Багатирев, Л. Лунц, И. Лукашук, М. Богуславский, В. Мозолин, М. Кулагин ва бошқалар)нинг фикрлари асослилигини инобатга олиб, бундай шартнома “комплекс характердаги фуқаровий-ҳуқуқий шартнома”, - деб ҳисобловчи ёндашув вакилларининг қарашларига қўшилиш маъқул деб ҳисобланган.

Шунингдек, ҳукумат билан тузиладиган инвестиция шартномаси ўзида халқаро ва миллий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган мураккаб муносабатларни ифодалаши ҳамда бунда давлат суверен ҳуқуқи орқали инвесторга қўшимча кафолат ва имтиёзлар тақдим этсада шартнома орқали икки томоннинг манфаатлари кўзда тутилиши, мажбуриятларни бажаришда томонлар тенг асосларда ҳаракат қилиши илмий таҳлиллар орқали асосланган.

Чунончи, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили асосида Ҳукумат билан тузиладиган инвестиция шартномаларини тузиш учун инвесторлар ўртасида очиқ танлов масаласига эътибор қаратилмаганлигини инобатга олган ҳолда, Ҳукумат билан инвестиция шартномалари тузишда очиқлик, шаффофлик ва инвесторлар ўртасида тенгликни таъминлаш мақсадида кимошди савдоси натижаларига кўра ушбу турдаги шартномаларни тузиш тўғрисидаги нормани қонунчиликда мустаҳкамлаш бўйича таклиф ишлаб чиқилган.

Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилиги ва амалиётида мавжуд бўлмаган Инвестиция фаолиятини ташкиллаштириш шартномасининг ҳуқуқий табиати, ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилиниб, муаллиф фикрича, бундай шартнома бўйича бир томон (инвестор) инвестицияларни бошқа томонга (инвестиция ташкилотчиси) ўтказиш мажбуриятини, инвестиция ташкилотчиси эса инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун ҳуқуқий ва фактик ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятларини олади. Ушбу шартноманинг шартлари, ҳуқуқий шакли, инвестиция ташкилотчисининг ҳисоботлари ва инвестор томонидан назорат қилиш тартибига оид нормалар шакллантирилди ва намунавий лойиҳаси ишлаб чиқилиб, диссертацияга илова қилинган.

Бундан ташқари, ушбу бобда бугунги замонавий тенденцияларни инобатга олган ҳолда смарт шартномалар асосида инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий жиҳатлари тегишли илмий қарашлар (Ника Сабо, Г. Гурлейн, С. Гомес, Л. Новоселова, А. Савельев, И. Румянцев ва бошқалар) асосида тадқиқ этилиб, блокчейн технологияларини давлат томонидан самарали тартибга солиш, смарт шартнома иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан регламентация қилиш мақсадида махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ушбу шартномаларни кўллаш, мазкур шартномалар орқали инвестиция фаолиятини амалга оширишда криптовалюта ва токен бозорларида инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ушбу соҳага алоқадор бўлган мавжуд ҳуқуқий-ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар шакллантирилган.

Дунёда виртуал шартномавий муносабатларда инвесторлар энг кўп кибер ҳужумга учрайдиган субъектлар саналиши, аксарият ҳолларда бундай вазият инвестиция шартномалари бўйича иккинчи томоннинг “келишув мажбуриятини бузиши” деб баҳоланишига олиб келаётгани сабабли бундай жараёнларда инвесторнинг киберҳавфсизлигини таъминлаш юзасидан илғор хорижий тажриба асосида таклифлар шакллантирилган.

Диссертациянинг учинчи боби – **«Инвестиция фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш масалалари»** деб номланиб, мазмунан тадқиқот иши таҳлиллари асосидаги кўплаб таклиф-тавсиялар ушбу бобда назарда тутилган. Хусусан, пандемия шароитида инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг муҳим хусусиятлари, мамлакатимизда замонавий инвестиция қонунчилиги ва амалиётининг ўзига хос жиҳатлари, инвестиция шартномаларини тузиш ва амалга оширишда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, умумжамиyat манфаатларини инобатга олиш ва мазкур жараёнда жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳамда Ўзбекистон Республикасида

инвестиция шартномаларини тартибга солиш муаммолари ва такомиллаштириш масалалари кенг тадқиқ этилган.

Дарҳақиқат, бугунги кунда бутун дунёни таҳликага солган COVID-19 инсониятнинг ижтимоий, маданий, сиёсий ва иқтисодий ҳаёт жараёнларига кескин таъсир ўтказди. Иқтисодиёт барқарорлиги учун зарур бўлган инвестиция фаолияти ҳам бугунги салбий жараёнлар таъсиридан четда қолмади. Шу туфайли инвестициявий муҳит барқарорлигини таъминлаш, инвестиция шартномалари бўйича келгусидаги кўплаб низоларнинг олдини олиш мақсадида махсус таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Хусусан, карантин чекловлари сабабли шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганликдан келиб чиқадиган низоларнинг олдини олиш учун Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан мажбуриятларни бажариш муддатларини кечиктириш, инвестиция лойиҳасини бажариш муддатлари ўзгартирилганда, инвесторга тақдим этилиб, фойдаланилмаган солиқ ва бошқа имтиёзларнинг белгиланган муддатларини инвестиция лойиҳасининг таҳрирланган янги муддатларига мутаносиб равишда ўзгартириш учун кўшимча келишув имзолаш, инвестициявий фаолиятда виртуал мулоқотларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва смарт шартномалар тузилишини рағбатлантириш зарурлиги илмий таҳлиллар билан асосланган.

Инвестиция шартномаларида нафақат инвестор ва инвестиция фаолияти иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликлари балки умумжамиат манфаатлари тааллуқли нормалар ҳам назарда тутилиши ҳамда инвестиция лойиҳасини амалга оширилишидан, энг аввало, ана шу ҳудуддаги халқ вакиллари манфаатдорлигини инобатга олган ҳолда инвестиция шартномаларини тузиш ва амалга оширишда умумжамиат манфаатларини инобатга олиш ва мазкур жараёнда жамоатчилик назоратини ўрнатиш масалалари таҳлил қилинган.

Шу нуқтаи назардан, қонун ҳужжатларида Инвестиция шартномаларини бажарилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурати, айниқса Ҳукумат билан тузиладиган ўзида кўшимча кафолатларни назарда тутадиган шартномалар бўйича тақдим этилаётган имтиёз ва преференциялар тегишли келишув предмети асосида мақсадли фойдаланилаётганининг мониторингини амалга ошириш механизми ҳамда мониторинг натижасида инвестиция шартномасини бекор қилиш тартибини киритиш зарурати асосланган.

Инвестиция фаолияти доирасида тузилаётган инвестиция шартномаларининг очиқ ва шаффоф тизимини яратиш ҳамда бунда инвестиция шартномалари реестри юритилишини таъминлаш ва бундай шартномалар ҳақидаги маълумотларни очиқ эълон қилиш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқлиги ўрганилган.

Чунончи, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар фаолияти доирасида уларнинг молиявий фаолиятидаги имкониятларини кенгайтиришга, жумладан, хорижий маблағларни янада кенгроқ жалб этиш бўйича ҳуқуқий тартибот тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги

2005 йил 2 августдаги 180-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарори лойиҳасига қуйидаги нормани мустаҳкамланиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан чет эллик инвестор ўртасида инвестиция шартномасининг Намунавий лойиҳасининг киритилиши, мақсадга мувофиқ бўлди: инвестиция шартномаси тарафлари ўртасидаги инвестиция шартномаси қоидалари билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби, низоларни кўриб чиқиш жойи ва органи. Бунда Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий давлат суди, Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий давлат ҳудудида ташкил этилган халқаро тижорат арбитражи низоларни кўриб чиқувчи орган сифатида белгиланиши мумкинлиги асослантирилган.

Шунингдек, ушбу бобда бугунги кунда амалда бўлган замонавий инвестиция қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари норматив-ҳуқуқий ҳужжат нормалари таҳлили асосида тадқиқ этилган Шу билан бир қаторда, муаллиф томонидан инвестиция шартномаларини тузиш, амалга оширишнинг муҳим жиҳатлари мамлакатимиздаги суд амалиёти асосида таҳлил қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари томонидан 01.2018 – 05.2021 йилларда инвестиция шартномалари билан боғлиқ ҳолда кўрилган 40 дан ортиқ суд ишлари ўрганилиб, инвестициявий низоларнинг олдини олиш учун шартномавий ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари томонидан кўрилган аксарият ишларда даъво жавобгарнинг ўз мажбуриятини бажаришни кечиктириши сабабли юзага келган. Айниқса, бутун дунёга ўз таъсирини ўтказган пандемия ва унинг салбий талофатларини бартараф этиш учун эълон қилинган карантин чора-тадбирлари туфайли кўплаб сармоядорлар ўз вақтида инвестиция капиталларини келишилган шартнома бўйича объектга киритиш имконига эга бўлмаганлар.

Шу сабабли мураккаб эпидемиологик вазиятда инвестиция фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун алоҳида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муддатларини таҳрирлаш, инвесторларни ҳуқуқий муҳофазалаш мақсадида карантин шароитида инвестиция шартномалари бўйича муддатларни бузганлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда келгусида инвестиция шартномаларида бундай ҳолатларни назарда тутиш лозимлиги асослаб берилган.

Бундан ташқари, Инвестиция шартномаларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни фуқаровий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш масалаларига бағишланган тадқиқот иши асосида соҳа тараққиётига салбий таъсир кўрсатаётган бир қатор йўналишлардаги муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан назарий ва амалий таклифлар қайд этилган.

ХУЛОСА

Инвестиция шартномаларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни фуқаровий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш масалалари мавзусида ўтказилган тадқиқот натижасида қуйидаги назарий ва амалий хулосалар ишлаб чиқилди:

1. “Инвестиция шартномаси”, “Инвестиция фаолиятини ташкиллаштириш шартномаси”, “Смарт шартнома” каби асосий тушунчаларнинг муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди. Жумладан,

Инвестиция шартномаси – инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун инвестиция фаолияти иштирокчилари билан ягона ҳужжат ёки бир неча шартномалар тузиш орқали инвестиция фаолиятини тартибга солишга қаратилган, бир томондан давлат ёки юридик ёхуд жисмоний шахс вакили бўлган инвестор ўртасида иккинчи томондан жисмоний шахс ёки юридик шахс ёхуд давлат билан тузиладиган ёзма битим;

Инвестиция фаолиятини ташкиллаштириш шартномаси бўйича бир томон (инвестор) инвестицияларни бошқа томонга (инвестиция ташкилотчиси) ўтказиш мажбуриятини, инвестиция ташкилотчиси эса, ўз номидан инвестор манфаатлари йўлида ва ҳақ эвазига инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун барча ҳуқуқий ва фактик ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятларини олади;

Смарт шартнома – бу дастурий код орқали шартлари ёзилган ва блокчейн ёрдамида автоматик тарзда ижро этиладиган, икки ва ундан ортиқ томонларнинг ўзаро электрон рақамли имзо билан тасдиқланадиган қонун доирасидаги келишувидир.

2. Инвестиция шартномасининг асосий белгилари аниқланиб, улар қўйидагилар эканлиги асослантирилди:

- шартномани тузиш учун зарур шарт;
- инвестиция лойиҳаси;
- томонлар муносабатининг узоқ муддатлилиги;
- тижорат манфаатдорлиги;
- инвестор маблағларини мақсадли сарфланиши;
- инвестор томонидан иккинчи томоннинг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир кўрсата олиш имконияти;
- шартноманинг фақат ёзма шаклда тузилиши;
- мулк қўйилмаси ва инвестиция фаолияти натижасига нисбатан умумий улушли мулкдорлик.

3. Инвестиция шартномалари тизими тавсифланиб, улар бевосита инвестиция шартномалари саналувчи шартномалар ҳамда инвестиция фаолиятини ташкиллаштиришга қаратилган шартномалардан иборат бўлиши кўрсатиб берилди.

4. Инвестицияларни ҳимоя қилиш ҳамда хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда энг асосий талаблар, уларнинг тенглигини таъминлаш ҳамда инвестиция шартномаларида маҳаллий инвесторлар манфаатларини амалга оширишда давлат томонидан хорижий инвесторлар учун назарда тутилганидек кафолатларнинг таъминланиш зарурияти асослаб берилди.

5. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлилида Ҳукумат билан тузиладиган инвестиция шартномаларини тузиш учун инвесторлар ўртасида очик танлов масаласига эътибор қаратилмаганлигини инобатга олган ҳолда, Ҳукумат билан инвестиция шартномалари тузишда очиклик, шаффофлик ва инвесторлар ўртасида тенгликни таъминлаш мақсадида кимошди савдоси натижаларига кўра ушбу турдаги шартномаларни тузиш, мазкур жараёнда жамоатчилик назоратини

ўрнатиш тўғрисидаги қуйидаги нормани Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-598-сонли Қонунининг 43¹-моддасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 апрелдаги 264-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан чет эллик инвестор ўртасида инвестиция шартномасини тузиш, ўзгартириш киритиш, тугатиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низомда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ:

“43¹-модда. Кимошди савдоси орқали Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан инвестиция шартномасини тузиш

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан инвестиция шартномаси қуйидаги ҳолларда очик кимошди савдолари натижаларига кўра тузилади:

